

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**395** **Навоий спорт коллежини Навоий олимпия захира-  
лари коллежига айлантириш чора-тадбирлари тўғри-  
сида**

Навоий вилоятида юқори тоифали спортчилар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, зарур спорт кўникмаларига эга бўлган иқтидорли ва истикболли ўқувчиларни танлаб олиш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий вилоятида юқори тоифали спортчилар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Навоий спорт коллежини 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб Навоий олимпия захиралари коллежига айлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Навоий олимпия захиралари коллежи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олимпия захиралари коллежларида спорт захирасини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарори асосида фаолият юритади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда 2012 йилнинг 30 августига қадар ўз тасарруфидаги Навоий спорт коллежининг ўқув бинолари ва спорт иншоотлари, шунингдек моддий-техник воситалари, ўқув асбоб-ускуналари ҳамда бошқа мол-мулкни белгиланган тартибда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфига ўтказишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги 2012/2013 ўқув йили бошлангунига қадар Навоий олимпия захиралари коллежида:

сифатли ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш учун юқори малакали тренер-ўқитувчилар билан тўлдириш;

кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ спорт анжомлари, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминлаш ишларини амалга оширсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан бирга янги ўқув йилига қадар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 30 июлдаги 163-сон қарори билан тасдиқланган Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги низом талаблари асосида Навоий олимпия захиралари коллежининг умумтаълим бўғинининг 7-синфга — 100 нафар ўқувчини ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими бўғинининг 1-курсига — 100 нафар ўқувчини қабул қилиш;

Навоий спорт коллежининг «Спорт» йўналишларида таҳсил олган ўқувчилар таркибидаги спортга қобилияти энг иқтидорли ўқувчилар орасидан Навоий олимпия захиралари коллежининг 2- ва 3-босқичига танлов асосида 100 нафардан ўқувчиларни қабул қилиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлигини таъминлашни инobatга олган ҳолда Навоий спорт коллежининг қолган ўқувчилари-

**33-34 (533-534)-сон**

**— 41 —**

**395, 397-моддалар**

ни ўз хошишига кўра тахсил олаётган таълим йўналишларига мос бошқа ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўтказиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жорий йилда Навоий олимпия захиралари коллежини сақлаш харажатлари учун қўшимча талаб этиладиган маблағларни 2012 йил учун тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида маориф соҳасига ажратилган маблағлар доирасида қопласин ҳамда келгуси йиллардаги сарф-харажатларини мазкур соҳага ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширишни назарда тутсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 23 август,  
248-сон